



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 19 август, № 162 (5077)

Пайшанба

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2010 йил 28 август шанба ва 29 август яшанба дам олиш кунлари 2010 йил 30 август душанба ва 31 август сешанба кунларига кўчирилсин.

28 август шанба ва 29 август яшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 18 август

### Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлиси олдидан

Парламент юқори палатасининг навбатдаги анжумани кун тартибига қуйи палатада қабул қилинган "Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам киритилган.

## МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ИШЛАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги "Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва мамлакатимиз раҳбарининг ушбу йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилди.

Қонуннинг асосий мақсади монополияга қарши ишларни мувофиқлаштириш тизимини такомиллаштириш, рақобат муҳитини ривожлантириш, монопол корхоналари фаолияти назоратини кучайтириш ҳамда иқтисодий ночор ҳўжалик тизимларини молиявий соғломлаштириш

борасидаги ишларни фаоллаштиришдан иборат. Шу ўринда айтиш лозимки, юртимизда бу борадаги ишлар товар бозорида монопол фаолиятни назорат қилиш ва чеклаш борасидаги давлат бошқарув тизимини изчил ислоҳ қилиш доирасида амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, республика бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, бозорларни монополаштиришга уринишларга йўл қўймаслик, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи монополияга қарши тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2000 йил 2 августда "Ўзбекистон Республикаси

(Давоми 2-бетда).

## ҚИШЛОҚ САНОАТИНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ



Бундан йигирма йил аввалги ўтмишга назар солинг. Юртимиздаги бирорта қишлоқда саноат корхонаси бормиди? — Умуман йўқ эди, — дейди аниқ ишонч билан Галлаорол туманининг олис Қангли қишлоғида яшовчи Фарҳод Абдурахмонов. — Ҳатто, оддийгина пойабзал тузатадиган устахона ҳам ишимиз тушса, ўттиз чақирим йўл босиб, туман марказига борардик. Бугун-чи, қишлоқларда бунёд этилган кўлаб саноат корхоналарида халқ истеъмоли молларининг юздан ортиқ тури ишлаб чиқарилаётир.

Бизнинг кичик қишлоғимизда ҳам энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган, 50 хил рангдаги лок-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхона шарофати билан ўнлаб ёшларимиз доимий иш ўринларига эга бўлишди. Яна бир жиҳати, улар энг мураккаб дастгоҳларни моҳирлик билан бошқаришга қодир эканликларини намойиш этмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида қишлоқларни обод қилиш, қишлоқ аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш, уларнинг яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш, иш билан бандлигини таъминлаш каби фойдаланарли мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган салмоқли ишлар ўз самарасини бераёпти. Бу "Ўзбек модели"ни рўёбга чиқаришда қишлоқларимизни жадал ижтисодий-иқтисодий ривожлантиришга устуворлик берилганлиги шарофатидир. Зеро, қишлоқларимизни ривожлантиришдан туриб, давлатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, дастурхонимиз тўқинлигини таъминлаб бўлмайди.



Ислохотлар жараёнида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қасаначилик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, реал даромадини кўпайтириш, етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотла-

рини замонавий технологиялар негизида қайта ишлашни кенгайтиришга қатта эътибор қаратилаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур вазибаларнинг баҳарлиши эса аҳоли бандлик даражасини ошириш, қасб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрларини битириб чиқаётган қишлоқ ёшларини

иш билан таъминлашга хизмат қилаётир. Маълумки, маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш қишлоқ саноати ривожининг негизини ташкил этади. Шу маънода, Президентимиз таъкидлаганидек, фермер фаолияти фақат галла ёки пахта етиштириш билан чекланиб

қолмаслиги керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоқда саноатни олиб кириши ва пировардда аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

## Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил кўшадиган ой ИЗЛАНИШ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ



Жорий йилда Жиззах вилоятидаги 265 та фермер ҳўжалигида уруғлик пахта етиштириляпти. Шу мақсадда 9800 гектар майдоннинг асосий қисмида "Ан-Бобўут-2", "С-65-24", "С-65-41" навли гўза парваришланмоқда.

лик чигит экилган майдонларда гўза апробациясини ўтказиш ва сифатли уруғлик жамғарилишига эришиш учун вилоятдаги соҳа мутасаддилари, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари билан учрашдилар.

Тадбир қатнашчилари Жиззах туманидаги "Зухра ая", Пахтакор туманидаги

"Семурғ", Дўстлик туманидаги "Машъал" каби фермер ҳўжаликларининг уруғлик пахта етиштирилаётган майдонларида бўлиб, экиннинг бугунги ҳолати билан яқиндан танишдилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган семинарда гўза парваришдаги энг масъулиятли давр — август ойида

ҳосилга ҳосил қўйиш учун ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида, сифатли ўтказиш зарурлиги, бу борада тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда сўзга чиққанлар олим ва мутасаддиларнинг фермер ҳўжаликлари билан бундай ҳамкорликлари вилоят экинзорларига мос сифатли ва сара уруғлик захирасини жамғаришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Б. САТТОРОВ.

Энг азиз, энг улуг байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шодибناسини нишонлашга кенг тайёргарлик кўриляётган шу кунларда мамлакатимиз деҳқончилик тарихида биринчи марта 7 миллион тоннадан ортиқ дон хирмони яратилди. Бундан ҳар биримиз ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

## ЕРИ — ЗАР, СУВИ — ГАВҲАР ЮРТИМ

Айтиш жоизки, кейинги йилларда дунё микёсида кузатишга глобал молиявий-иқтисодий инкироз ривожланган давлатлар, айниқса, ўз иқтисодиётида туб ислохотларни амалга ошираётган, ўтиш даврини бошдан кечи-раётган мамлакатлар учун жиддий синов бўлди. Қувонарлиси, мамлакатимиз ўз салоҳиятига таянган ҳолда, бу синовдан муваффақият билан ўтди.

Ўзбекистон дунёнинг иқтисодий ўсиш энг юқори бўлган 5 та давлати қаторидан жой олди. "Ўзбек модели" деб ном олган ислохотлар стратегиясини бугун жаҳон тан олди ва у айрим давлатлар тажрибасида кенг қўлланила бошланди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойил асосида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини биргина галлачилик соҳасида эришилган туб ўзгаришлар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати, биринчи навбатда, озиқ-овқат ва бошқа муҳим стратегик маҳсулотлар билан ўзини ўзи қай даражада таъминлай олиши орқали белгиланади. Қайси мамлакатда ушбу масала муваффақият-ли хал қилинган бўлса, унда иқтисодий барқарорлик таъминланади, давлатнинг халқро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ҳам юқори бўлади. Шу боис озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакат хавфсизлигининг муҳим ақралиги, давлатчиликнинг ва мустақилликнинг асосий шарти ҳисобланади.

Жорий йилда табиат инжиқликлари натижасида кўпгина давлатларда ҳар йил-

гидан кам дон ҳосили йиғиштириб олиниши кутилмоқда. Бошқача айтганда, 2008 — 2009 йилларда жами 683 миллион тонна дон ҳосили олинган бўлса, 2010 — 2011 йилларда ушбу кўрсаткич 668,5 миллион тоннани ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Шундай бир вазиятда Ўзбекистонда ноқулай об-ҳаво шароитига қарама-қарши, галлачилик тарихида биринчи марта рекорд даражада ҳосил йиғиштириб олинди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Тармоқда эришилётган ютуқлар, аслида, миллий иқтисодиётнинг барна соҳаларида, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида узқоқни кўлаб амалга оширилаётган бозор ислохотларининг амалий натижасидир. Унинг замирида эса меҳнатқаш, ўз ишининг билимдон бўлган деҳқонларимиз, фермерларимизнинг фидокорона меҳнати мужассам.

Ҳозирда, бир томондан, дунё аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган экин майдонларини кенгайтириш имкони тобора чекланимоқда. Шу маънода, XXI асрнинг бошига келиб, дунё аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси янада кескин тус олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида дунёда 850 миллион киши очарчиликдан азият чеккан бўлса, ҳозир бу кўрсаткич бир миллиарддан ошиб кетди. Дунё аҳолисининг 30 фоизи эса тўйиб овқатланмайди.

(Давоми 2-бетда).



## Таълимда замонавий ахборот технологиялари

ТОШКЕНТ. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этишга бағишланган семинар бошланди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу семинарда Қорақалпоғистон Республикасидаги умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### Янгиерда янги корхона

СИРДАРЁ. Янгиерлик тадбиркор Ҳайдар Жўраев карбид ва электрод ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда унга банкдан ажратилган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит кўл келди.

қурилиш хом ашёси тайёрланмоқда. Бу эса ҳудудда шу турдаги маҳсулотга бўлган эҳтиёжни тўла қондиради.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Хуштаъм нонлар кўргазмаси

САМАРҚАНДда аънавий "Самарқанд нонлари" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда тадбирнинг вилоят шаҳар ва туманлари босқичлари қолиблари ўзлари тайёрлаш хуштаъм нонлар билан иштирок этишди. Хусусан, танловда "Галаосиё" нонлари, "Пулуди" номли совға нонлари, тош пати, қозон пати, жиззали пати, асалли нон, зогора нон, чўпон нони, тоғ нони каби юздан ортиқ нон маҳсулотлари намойиш қилинди.

Танлов якунида олий ўрин Самарқанд

тумани маийши хизмат кўрсатиш корхонаси жамоасига берилди. Саноат асосида нон тайёрлаш бўйича қолибик Самарқанд шаҳридаги "Таъминотсавдо" корхонаси жамоасига насиб этди. Қолибларга танлов ташкилотчилари томонидан қимматбаҳо эсдалик совгалари топширилди.

А. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Чиқиндидан тайёр маҳсулот ҚАШҚАДАРЁ. Яқкабоғ туманидаги "Хумотекс" масъулият чекланган жамиятида чиқинди пахтани қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди.

Йилига 200 минг тонна момиқ пахта тайёрлашга мўлжалланган ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 300 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Таъкидлаш лозимки, корхонада йилига 80 тонна сифатли калава ип ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми хорижий харидорларга етказиб берилмоқда. Жамият фаолияти кенгайтириш ҳисобига ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

Ф. БОЗОРОВ.

## ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиётида ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми

7,1 триллион сўмни ташкил қилди.

Фаол инвестиция сиёсатини, техник модернизация қилиш дастурларини амалга ошириш туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ  
ШАРҲИ




(Давоми 2-бетда).



# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ҳарбий қисм ёнида портлаш

Бағдоднинг Боб ал-Муатзам туманидаги ҳарбий қисм яқинида портлаш содир этилди.



неча киши турли даражада тан жароҳати олди. Дастлабки маълумотларга кўра, кўпурчилик ҳаракати террорчи-камикадзе томонидан амалга оширилган.

Ҳозирча мазкур воқеа ташкилотчилари номи аниқ эмас.

## Даромад кўпаймоқда

Дунёда ўз нуфузига эга бўлган чакана савдо тармоғи "Wal-Mart" даромадлари ҳажми аста-секин ўсиб бораётганини маълум қилди.

Жумладан, унинг иккинчи чорак якунида олган соф фойдаси миқдори 3,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу аввалроқ экспертлар тахмин қилганидан анча юқори кўрсаткичдир.

## Кўёш — археолог

Норвегиянинг тоғли ҳудудларидан бири — Йотунхейменда 1500 йиллик тарихга эга кўҳна маданият ўчоғи топилди.

Кизикарли томони шунки, ушбу ноёб мерос музликларнинг эриб бориши натижасида юзага чиққан. Мутахассисларнинг айтишича, юқори ҳарорат, кучли шамол ва атмосфера оқимларининг ўзгариб туриши мазкур ҳудуддаги совуқ шаффоф қатламларнинг фавқулодда катта тезликда йўқолиб боришига сабаб бўлаётди. Масалан, сўнгги вақт-



ларда бу ерда ҳаво ҳарорати меъёридан 2-3 даража кўтарилган.

## Айбловни тан олмаяпти

Ахборот-коммуникация технологиялари оламида катта нуфузга эга бўлган "Apple" компанияси билан боғлиқ моҳир хорижий оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди.

Боиси ташкилот менежери Пол Дивайн билан боғлиқ суд жараёни яна давом эттирилди. У Фирингарлик ва порахуриликда айбланмоқда. Гап шундаки, шикоят аризида Пол осийлик ҳамкорларга махфий ахборотларни сотиш эвазига қарийб миллион доллар олгани қайд этилган. Бироқ у бу айбловлар асоссиз эканини таъкидламоқда.

## Энг кучли рентген

АҚШнинг Станфорд университетиде дунёдаги энг кучли рентген лазери тирланди.

У модда таркиби, хусусан, атомлар ва улар орасидаги кимёвий реакцияларни янада аниқроқ ўрганиш имконини беради.

Бироқ бу билан "нек-

ланиб қолиш ниятимиз йўқ, — дейди тадқиқотчилардан бири. — Халқро ҳамкорларимиз билан биргаликда инновацияларни яратишда давом этамиз.

## Синов яхши ўтди

Дунёдаги энг кучли автомобиллардан ҳисобланган "Lotus Evija — S" автомобили синовдан муваффақиятли ўтди.

Унинг расмий тақдироти шу йил кузда Парижда ташкил этиладиган моторшоуда бўлиб ўтади.

Мазкур транспорт воситаси 3,5 литрли оптицилиндрицил двигателга эга. Бензиндан юради. Қуввати 350 от кучига тенг. 100 км. иситиш-совитиш тизими ҳам юқори баҳоланган.

Унинг бошланғич нархи 60 минг фунт стерлинг.

## Носозликлар оқибати

Япониянинг "Мазда" автоконцерни АҚШ ва Хитойдаги 225 мингта автомобилни қайтариб олади.

"Мазда 3" ҳамда "Мазда 5" русумидаги ушбу маҳсулотларнинг руль қисмида нуқсонлар борлиги аниқланган.

Яъни мазкур камчилик ҳаракат пайтида назоратни йўқотишига олиб келиши мумкин экан. Энди улар қайтадан таъмирланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# САРМОЯЛАР ФАРОВОНЛИК ХИЗМАТИДА



Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигини муҳим тармоқларидан бири — пиллачиликни ривожлантириш бўйича хайрли ишга қўл урилди: Тўртқўл, Эллиққалъа, Беруний ва Хўжайли туманларида хотин-қизларга пиллачилик сир-асрорларини ўргатиш йўлга қўйилди.

Давлат гранти асосида, жаҳон банки маблағи ҳисобидан, масалан, Эллиққалъа туманидаги Сарибой қишлоғида махсус ўқув маркази ташкил этилган эди. Унда ҳар ойда 30 нафар хотин-қиз сабоқ олмоқда. Шу кунгача уларнинг 305 нафари ўқув марказини битирган бўлса, 107 нафарига ўз ишларини йўлга қўйишлари учун "Микрокредит-

банк" очик акциядорлик тижорат банкининг Эллиққалъа филиали томонидан 58,1 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш, уй меҳнатини ташкил этиш орқали уларнинг даромадларини кўпайтириш мақсадида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар кўплаб хонадонларнинг фаровон-

лигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

## Молия муассасаларида

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги қарори юртимиз гўшаларини ободонлаштириш баробарида, кўплаб юртдошларимизнинг ўз тадбиркорлик ишларини йўлга қўйишларига замин яратмоқда.

Улардан бири — эллиққалъалик Назоқат Рўзимбетова. У "Азиза Диёр" масъулияти чекланган жа-

эвазига замонавий жиҳозлар харид қилиниб, автомобиллар хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилинди. Натижада ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида 203 та иштирокчи лойиҳани амалга ошириш учун банк томонидан 870,5 миллион сўмлик кредитлар ажратилган эди, — дейди "Микрокредитбанк" ОАТБ Эллиққалъа филиали раҳбари Одибек Кенжаев. — Пировардда 212 та иш ўрни очилди. Уларнинг саяёҳаракатлари туфайли аҳолига 750 миллион сўмликдан зиёд пуллик хизматлар кўрсатилди.

Соф фойда 115 миллион сўмини ташкил этди.

Эътиборлиси, банк филиали ходимларининг бундай хизмати натижасида миқозлар сони 606 нафардан 831 нафарга кўпайди. Шундан келиб чиқиб, олисдаги миқозларга қулайлик яратиш мақсадида янги "Дўстлик" минибанки фаолияти йўлга қўйилди. Бу билан минибанклар сони 4 тага етказилди.

Мухтасар айтганда, молиявий муассасалар томонидан юртдошларимизга кўрсатилаётган ёрдам ўзининг юксак натижаларини бераёпти. Демак, уларнинг миқозлари тобора кўпаяверади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Омад қувончи» ютуқли омонати бўйича 2010 йил 17 август куни Гулистон шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ютуқ миқдори	Ҳудудий филиал	Туман (шаҳар) филиали	Банк муассасаси	Ҳисоб-варақ рақами
1.	«Нексия» автомобили	Тошкент шаҳри	Юнусобод филиали	Амалиёт бўлими	ОД-1-1
2.	Телевизор BOSS-21Д	Қорақалпоғистон Республикаси	Амударё филиали	Амалиёт бўлими	ОД-1
3.	Телевизор BOSS-21Д	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-187
4.	Телевизор BOSS-21Д	Наманган вилояти	Наманган шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-1
5.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Бухоро вилояти	Когон филиали	Амалиёт бўлими	ОД-3
6.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	Амалиёт бўлими	ОД-76
7.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Сирдарё вилояти	Вилоят филиали	Амалиёт бўлими	ОД-80
8.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-362
9.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Тошкент шаҳри	Юнусобод филиали	0176-шоҳобча	ОД-1-2
10.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Наманган вилояти	Тошбулоқ филиали	Амалиёт бўлими	ОД-1
11.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Қорақалпоғистон Республикаси	Тахтақўпир филиали	Амалиёт бўлими	ОД-1
12.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ филиали	Амалиёт бўлими	ОД-62
13.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	Амалиёт бўлими	ОД-35
14.	«Ойгул» кир ювиш машинаси	Наманган вилояти	Тошбулоқ филиали	Амалиёт бўлими	ОД-23
15.	«Чимган» электр дазмоли	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзақ филиали	02-шоҳобча	ОД-2
16.	«Чимган» электр дазмоли	Сирдарё вилояти	Вилоят филиали	Амалиёт бўлими	ОД-93
17.	«Чимган» электр дазмоли	Андижон вилояти	Хўжаобод филиали	Амалиёт бўлими	ОД-2
18.	«Чимган» электр дазмоли	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	Амалиёт бўлими	ОД-74
19.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент вилояти	Тўйтепа филиали	010-шоҳобча	ОД-3
20.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Навоий шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-41
21.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент вилояти	Паркент филиали	"Паркент-1" минибанки	ОД-2
22.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-14
23.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Қизилтепа филиали	Амалиёт бўлими	ОД-4
24.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ филиали	Амалиёт бўлими	ОД-42
25.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-119
26.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-312
27.	«Чимган» электр дазмоли	Бухоро вилояти	Ғиждувон филиали	Амалиёт бўлими	ОД-3
28.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-317
29.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-412
30.	«Чимган» электр дазмоли	Фарғона вилояти	Олтиариқ филиали	Амалиёт бўлими	ОД-15
31.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент шаҳри	Шаҳар филиали	0132-шоҳобча	ОД-1-26
32.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-262
33.	«Чимган» электр дазмоли	Фарғона вилояти	Ўзбекистон филиали	052-шоҳобча	ОД-1
34.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент вилояти	Паркент филиали	Амалиёт бўлими	ОД-1
35.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-314
36.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент шаҳри	Юнусобод филиали	0216-шоҳобча	ОД-1-7
37.	«Чимган» электр дазмоли	Қорақалпоғистон Республикаси	Тахтақўпир филиали	Амалиёт бўлими	ОД-21
38.	«Чимган» электр дазмоли	Жиззах вилояти	Вилоят амалиёт бўлими	Амалиёт бўлими	ОД-5
39.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-6
40.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент шаҳри	Миробод филиали	0190-шоҳобча	ОД-1-6
41.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-414
42.	«Чимган» электр дазмоли	Сирдарё вилояти	Вилоят филиали	Амалиёт бўлими	ОД-75
43.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Навоий шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-16
44.	«Чимган» электр дазмоли	Самарқанд вилояти	Нарпай филиали	Амалиёт бўлими	ОД-16
45.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент шаҳри	Миробод филиали	0190-шоҳобча	ОД-1-16
46.	«Чимган» электр дазмоли	Тошкент шаҳри	Ҳамза филиали	Амалиёт бўлими	ОД-1-7
47.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-407
48.	«Чимган» электр дазмоли	Қорақалпоғистон Республикаси	Тўртқўл филиали	Амалиёт бўлими	ОД-3
49.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Хатирчи филиали	Амалиёт бўлими	ОД-13
50.	«Чимган» электр дазмоли	Фарғона вилояти	Марғилон филиали	Амалиёт бўлими	ОД-2
51.	«Чимган» электр дазмоли	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний филиали	Амалиёт бўлими	ОД-1
52.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Зарафшон шаҳар филиали	Амалиёт бўлими	ОД-370
53.	«Чимган» электр дазмоли	Навоий вилояти	Хатирчи филиали	035-шоҳобча	ОД-2

Хайъат раиси — Гулистон шаҳар ҳоқими ўринбосари Ш. АЛИКУЛОВ  
Масъул котиб — Халқ банки Бошқарувининг жамғарма ишларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Д. ЁРМАТОВ

Шу кунларда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган "Бўстон" сиҳатгоҳида ёш журналистлар учун "Келажак овози" ёшлар медиа-оромгоҳи тadbирлари бўлиб ўтмоқда.

# ИЖОДИЙ МУЛОҚОТЛАР

Унда "Келажак-пресс" матбуот маркази журналистлари, "Келажак овози" газетаси муҳбирлари ва олий ўқув юрталарининг журналистика факультетларида тахсил олаётган юздан зиёд иқтидорли йигит-қизлар босма ва интернет журналистика соҳаси бўйича ўтказилаётган маҳорат сабоқларида иштирок этишяпти.

Тadbир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон мувофиқ ўтказилаётган замонавий босма ахборот ва коммуникация технологиялари, интернет тизимини ривожлантиришга оид тadbирлар ҳам ана шундай эзгу ишлар сирасидандир. Эзгу ўқув оромгоҳи, аввало, ёш журналистларнинг соҳага оид билим ва малакасини, профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг ижодий салоҳияти ҳамда касб малакасини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, ўқув-семинар давомида

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилди.

Юртимизнинг малакали журналистлари билан бир қаторда, Буюк Британия, Италия, мамлакатларидан келган тажрибали мутахассислар иштирокида ёшлар билан назарий ҳамда амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Ёш ижодкорлар янгилик, хабар, интервью ва бошқа жанрларда мақолалар тайёрлаб, машғулот ҳамда семинар-тренингларда ўз ишларини атрофича муҳокама қилиш имконига эга бўлишяпти.

Медиа-оромгоҳнинг очилиши муносабати билан ўтказилган маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар учун барча шарт-шароитни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляётганлигини таъкидлашди.

— Ўқув оромгоҳида журналистика сир-асрорларини янада чуқурроқ ўрганаёмиз, — дейди "Келажак пресс" Наманган вилояти фаоли Зулайхо Зайнутдинова. — Бу ерда гуруҳимиз билан оромгоҳдаги ёшлар фаолиятини ёритишга мўлжалланган газета чиқара бошладик.

Оромгоҳдаги тadbирлар 21 августга қадар давом этади. Tadbир якунида иқтидорли ёшларга махсус сертификатлар топширилади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар КҚС билан кўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

**ЙИГМА ПАРКЕТ** (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

**КАРВИД** — Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

## SONATA

Ўз йўлингни танла!

**Туловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.**

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.


**HYUNDAI** Official Partner [www.hyundai.com.uz](http://www.hyundai.com.uz) Tel. (8-371) 250-11-11

«Ўзимёсанот» ДАК жамоаси "Аммофос-Максам" ОАЖ бошқаруви раиси Е. Солиқовга онаси **РОБИЯ** аялини вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси Ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати етакчи хабар узатувчиси Турғуной Раҳимовага отаси **Анвар РАҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университети касаб уюшмаси раиси Файзулла Баҳромовга волидан муҳтарамаси **ЗУХРА** аялини вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



Ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб камолга етиши фаровон келажагимизнинг муҳим омилдир. Шу боис мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, хусусан, қизларни спортга жалб қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

# РУХАН ТЕТИК, ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ

Президентимиз раҳнамолигида спортнинг нафис тури ҳисобланмиш бадий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилётганини тасдиқлайди. Шу боис мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, хусусан, қизларни спортга жалб қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

уринларни эгаллаётганликлари билан ҳар қанча фахрлансақ, арзийди. Биргина ўтган 2009 йил мисолида олиб қаралса, халқро мусобақаларда иштирок этган гимнастикчиларимиз 39 та медални қўлга киритишди. Шунинг ўзиёқ, ёшларимизнинг жаҳондаги нуфузли беллашувларда тенглар ичра тенг бўлиб, куч ва иқтидорларини тўла намойён этишга тўғри келди.

Бу каби натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Зеро, бугун жойларда спорт билан шуғулланиш учун етарли шарт-шароитлар яратилиши, айниқса, чекка қишлоқларда замонавий спорт иншоотлари-

ни барпо этиш ва ушбу мажмуаларни зарур инвентарлар билан жиҳозлашга катта аҳамият қаратилаётган. Бундай эзгу чора-тадбирлар халқро микдосда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, жорий йилда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати Тошкент шаҳри мезбонлик қилганиги ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун мамлакатимизда мавжуд имкониятлар жаҳон микдосида тан олингани ва ижобий баҳоланаётганининг ёрқин тасдиғидир.

Президентимиз шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбат-

даги йиғилишида қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида ёндашиш лозимлигини таъкидладилар. Бинобарин, қизларимизнинг соғлом, дуркун ўсишида жисмоний машғулотлар, хусусан, спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика билан шуғулланишнинг аҳамияти беқийсдир. Шу боис бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган гимнастика мутахассислари ва мураббийларнинг малакасини ошириш мақсадида Халқро олимпия кўмитаси ҳамда Халқро гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда махсус семинар-тренинглр, ўқув машғулотлари мунтазам ташкил этилаёпти.

Айни пайтда юртимизда 10 минг нафардан зиёд қизлар гимнастика билан шуғулланмоқда. Тошкент, Фарғона, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида гимнастика марказлари самарали фаолият кўрсатаётди. Бундан ташқари, жажжи қизалоқларнинг нафис спортга қизиқишини ошириш мақсадида мактабгача таълим муассасалари ва Мехрибонлик уйлари қошида бадий гимнастика тўғрақлари ташкил этилган, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришни кўлаб, юқори савияда турли мусобақа ва беллашувлар ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қувонарлиси, "Олтин водий", "Қувнок қарвон", "Олимпия умидлари" каби турнирлар асосида зийрак, чаққон, иродаси мустаҳкам, мусиқага монанд ҳаракат уйғунлигида мурақаб машқлар бажаришнинг уйдасидан чиқувчи кўлаб истеъдод соҳиблари кашф этилаётди. Уларга боққанинг сайин эртанги кунга ишончинг ортавереди. Зеро, келажагимиз ворислари баркамоллик сари интилаётган шижоатли, фикри тиник, руҳи тетки, етук салоҳиятли ёшлардир.

**Татьяна АБДУРАМОНОВА,**  
Ўзбекистон бадий гимнастика терма жамоаси бош мураббийи.

# МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ аҳолининг кам таъминланган қатлами — ёлғиз қариялар, жисмоний имконияти чекланган кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида қаралади. МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ишларга ҳуқуқий асос яратди.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний имконияти чекланган болаларнинг ўқув жараёнига соғлом тенгдошлари билан бир қаторда жалб этилиши улар руҳиятида ўзига ишонч ва гурур пайдо бўлишига

гамхўрликлар замирида эса, энг аввало, жисмоний имконияти чекланган болаларга Президентимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор муассасам.

Эътироф этиш керак, ҳар йили имконияти чекланган болалар мамлакатимизда ташкил этилади.

## Гамхўрлик

рон болалар ижтимоий кўникмасини янада мустаҳкамлаш ва улар имкониятларини соғлом болалар қатори тенг шароитда ташкиллаштириш юзасидан инклюзив ўқитиш лойиҳасининг амалиётга киритилиши катта аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, махсус мактаб-интернатимизда ҳам ўқиш давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилган бўлиб, ҳар бир ўқувчи қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда турли тўғараклар, қўшимча машғулотларга жалб этилади. Бу эса улардаги иқтидорнинг кашф этилишига туртки беради. Мактабимизда ўн тўртта тўғарак бўлиб, қизларимиз тўқш, тикиш-бичиш билан шуғуллансалар, йигитлар дурадгорлик, чилангарлик, шахмат-шахка ва бошқа спорт тўғараклари машғулотида иштирок этишади.

Ҳозирда мактабимиз фахри бўлган шахмат бўйича жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддинов, кўлаб халқро кўрғазмалар иштирокчиси, мусавир Дилфуза Обиджонова эришган натижалар ана шу меҳнат, изланиш ва интилишлар ҳосиласи, десам янглишмаган бўламан. Бу

ган бир қатор танловларда, байрам тошошларида фаол қатнашишди. Бундай тадбирлар, айниқса, Баркамол авлод йилида ўзгача мазмун ва моҳият касб этмоқда. Бу эса уларнинг соғлом тенгқурларидан истеъдодлари, билим доиралари асло кам эмаслигини намойён этиш учун берилган имкониятдир.

Аслида улар иштирокидаги анжуманларни ташкил этишдан мақсад, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган қучли ижтимоий сийбсатнинг ҳаётий ифодасини намойиш қилиш, болаларнинг ўз имкониятларини тўлиқ кўрсатишларига, мавжуд иқтидорларини янада ривожлантиришга, унинг натижаси ўлароқ имконияти чекланган ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Зеро, бу ердаги ҳар бир ўғил-қизга оиладагидек муомалада бўлиш муҳити яратилгани, бу, ўз навбатида, кўзланган мақсадга эришишимизда муҳим омилдир.

**Феруза ЙЎЛДОШЕВА,**  
Тошкент шаҳридаги 106-санф зинтуғчи болалар махсус мактаб-интернати директори.

Германияда энгил атлетиканинг марафон йўналиши бўйича нуфузли халқро турнир ўз ниҳоясига етди.

## Марафончимиз ғалабаси

Унда Америка, Европа, Осиё каби қитъалардан жами 1000 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Қувонарлиси, МДХ давлатлари орасида фақатгина Ўзбекистон вакили Людмила Музаффарова ушбу мусобақада қатнашиш имконини қўлга киритганди.

Бугунги кунда Наманган давлат университетининг жисмоний тарбия кафедрасида фаолият юритиб, ёш авлодга баркамоллик сирларини ўргатиб келаётган тажрибали устоз-мураббий мусобақада муваффақиятли иштирок этди. Глобал микдосда ташкил этилган ушбу чемпионатда у 60 ёшлилар орасида маррага биринчи бўлиб етиб келди, аниқроғи, машаққатли 42 километру 195 метрлик масофани барча рақибларидан олдин босиб ўтди. Ўзбекистонлик марафончи шарафига мадҳиямиз янграб, байрогимиз кўтарилди.

**Қудратилла НАЖМИДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Жаҳон биринчилигидаги эътироф

Баркамол авлод йили юртимиз спортчилари учун ҳам омадли бўлмоқда.

Шу жумладан, қорақалпоғистонлик ёшлар жорий йилда Осиё ва жаҳон биринчиликларида, кўлаб нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб, юртимиз довуғини оламга ёйишда муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Хусусан, яқинда Туркиянинг Истанбул шаҳрида ёшлар ўртасида спортнинг шотакан-қаратэ тури бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида Нукус педагогика касбхона коллежи ўқувчиси Гулистон Қайянова кумуш медални қўлга киритгани бунинг яқол тасдиғидир.

Эътиборлиси шундаки, ушбу мусобақа натижаларига қўра, Гулистон Қайянова ва халқро даражадаги спорт устаси метёрларини ҳам бажаришга эришди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

# ҚАДИМ СИАМ ЗАМИНИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Ўзбекистон Республикасининг Таиланд Қироллиги пойтахти Бангкок шаҳридаги Бош консулхонасида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда ушбу мамлакат Ташки ишлар ҳамда Маданият вазирликлари, жамоатчилик ва илмий-академик доиралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий дипломатик миссиялар раҳбарлари, шунингдек, Таиланд олий ўқув юртлиарида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этишди.

Учрашувда таъкидланганидек, давлат мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб ёш авлодга гамхўрлик қилиш, улар учун муносиб келажақни таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон раҳбарияти фаолиятининг муҳим

йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Мамлакатда баркамол ёш авлод учун кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган қатор давлат дастурлари амалга оширилаётган. Ўзбекистонда 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши бундай тадбирларнинг мантуқий давоми бўлди.

Бугунги кунда мамлакатда кадрлар тайёрлаш тизими, мактаб таълими, ёшларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштириш бўйича турли хил ёшлар ҳаракатлари, ташкилотлар ва жамғармалар фаолият юритмоқда. Юқоридаги муассасалар

фаолияти туфайли ёшлар мамлакат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётда муҳим ўрин тутди. Тадбирда сўзга чиққан

## Дунё нигоҳи

Осиё технологиялар институти президенти, профессор С. Ирандуст 2010 йил баҳорида Тошкентга сафари чоғида Ўзбекистоннинг ёшларга қаратилган сиёсати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганини таъкидлади.

— Мен Ўзбекистон Президентини раҳбарлигида мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим олишлари

ёлғиз эмассан» каби ташкилотлар ташаббуси ва рабати билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бангкокда тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар мамлакатда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга қаратилаётган эътибор учун Ўзбекистон раҳбариятига ўзларининг самийий миннатдорликларини изҳор этишди. Хусусан, бугунги кунда ўзбекистонлик ёшларнинг тахсилни хорижий энг етук олий ўқув юртлиарида давом эттиришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилганлигини қайд этдилар.

Тадбирда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзбек халқининг миллий ўзини англаш; бой маънавият, тинчликсеварлик ва бағрикенглик каби гоғлари асосий ўрин тутуши таъкидланди.

«Жаҳон» АА.  
Бангкок

**«ТРАСТБАНК»**  
ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК БИРЖА БАНКИ

**аҳолига тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиб, мижозлар билан ишончли ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.**

Айни пайтда мазкур молия муассасаси томонидан Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида фуқаролар омонатларини химоялаш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан муайян ишлар амалга ошириляпти.

Бугунги кунда «Трастбанк» аҳолига миллий валютада қуйидаги янги муддатли омонат турларини тақлиф қилади:

- «**Таътил**» омонатини сақлаш муддати — **180 кун**. Омонат бўйича йиллик **24** фоиз даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганда берилади. Агар фоизлар 180 кун давомида сақланса, 6 фоизлик қўшимча бонус тўланади.
- «**Самарали**» омонатини сақлаш муддати — **365 кун**. Омонат бўйича йиллик **26** фоиз даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. Агар фоизлар 150 кун давомида сақланса, 2 фоизлик қўшимча бонус тўланади.
- «**Олтин куз**» омонатини сақлаш муддати — **150 кун**. Омонат бўйича йиллик **26** фоиз даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шунингдек, чет эл валютасида қуйидаги омонат турлари тақдим этилмоқда:

- «**Престиж-2**» омонатини сақлаш муддати — **1 йил**. Омонат бўйича йиллик **7** фоиз даромад ҳисобланиб, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
- «**Универсал**» омонатини сақлаш муддати — **30 ёки 60 кун**. Омонат бўйича йиллик **7** фоиз даромад ҳисобланиб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

Омонатларни «Трастбанк» ХОАББнинг барча филиалларида очиш мумкин.

«Трастбанк» ўз омонатчиларига банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор қилинмаслигини, пул маблағлари ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайди.

«Трастбанк» омонатчилари ҳисоббарқарорлигидаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари омонатларини суғурталаш жамғарма химоси остида бўлиб, омонатлар бўйича барча тўловларнинг тўлиқ ҳажмида қайтарилишини таъминлайди. Жисмоний шахсларнинг депозит сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек, банкдаги омонатлар бўйича олинган фоиз ва ютуқлар солиққа тортилмайди.

Телефон: (99871) 244-30-22. Факс: (99871) 244-76-61.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

**ОБ-ҲАВО** (19 август)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик қузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-21, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

**Давлат, хусусий ва ширкатлик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ ахборот марказлари учун сервер қурилмаларини харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.**

Тендер тақлифлари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2010 йил 20 сентябрь соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Ш. Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача қурастилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-78-24, 252-30-36. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятлари**

корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади.

Тел.: 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz. Буюртмалар шу йилнинг 20 августига қабул қилинади.

**Халқ сўзи Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлималар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида термал хамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Белмуртов томонидан сақлалади.

1-Тижорат материал

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орпшов.  
Набатчи муҳаррир — У. Файзинова.  
Набатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

1 2 4 5